

ДЖУРАЕВА Санабар Нурматовна
 Ўзбекистон Миллий Университети
 тарих фанлари доктори
 E-mail: sanabar.djuraeva@bk.ru

ТОШКЕНТ ИСЛОМ МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ ЎРГАНИЛИШНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ

ИСТОЧНИКОВЕДЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИЗУЧЕНИЯ ПАМЯТНИКОВ ИСЛАМСКОЙ АРХИТЕКТУРЫ ТАШКЕНТА

SOURCE ANALYSIS OF THE STUDY OF MONUMENTS OF ISLAMIC ARCHITECTURE OF TASHKENT

Аннотация. Мақолада Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Тошкент (Шош) нинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти: тасаввуф вакиллари ва олимларининг ислом фани ривожига қўшган ҳиссаси, шаҳарсозлик, мақбара, масжид ва мадрасалари, аҳоли турмуш тарзининг манбаларда ёритилиши келтирилган. Шу билан бирга, мустамлака даврида Тошкент тарихи, архитектура ёдгорликлари ва зиёратгоҳларига рус ҳокимиятининг муносабати баён қилинган.

Калит сўзлар: Бинкат, Шош, Чоч, Илок, Тошкент, шаҳар, цивилизация, тасаввуф, олим, аллома, ёдгорлик, мақбара, масжид, мадраса, зиёратгоҳ, архитектура, топография, топономия, этнография, аҳоли, ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий, мустамлака, мустақиллик.

Аннотация. В статье представлено место Ташкента (Шоша) в мировой цивилизации, его общественно-политической, культурной и духовной жизни: вклад представителей суфизма и ученых в развитие исламской науки, градостроительства, мавзолеев, мечетей и медресе, образ жизни населения. При этом описывается отношение российских властей к истории, архитектурным памятникам и святыням Ташкента в колониальный период.

Ключевые слова: Бинкат, Шош, Чоч, Илок, Ташкент, город, цивилизация, суфизм, ученый, памятник, мавзолей, мечеть,

медресе, святыня, архитектура, топография, топономия, этнография, население, общественное, политическое, культурное, духовное, колония, независимость.

Abstract. The article discusses the role of Tashkent (Shosh), the central city of Uzbekistan, in the aspect of world civilization, the contribution of its scientists to the development of Islamic science, the construction of the city, mausoleums, mosques, madrasas, socio-political, cultural and spiritual life, the lifestyle of the population which are covered in historical documents.

At the same time, the history of Tashkent, its archaeological sites and shrines during the colonial period and the years of independence, as well as the history of their study by foreign and domestic scientists are described.

Key words: Binkat, Shosh, Choch, Ilok, Tashkent, city, civilization, Sufism, scholar, scientist, monument, mausoleum, mosque, madrasah, shrine, architecture, topography, ethnography, population, public, political, cultural, spiritual, colony, independence.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг марказий шаҳарларидан бири бўлган Тошкент (Шош) ўрта асрларда жаҳон цивилизациясига ўз тарихи, олиму уламулари билан катта ҳисса қўшган ҳудуд ҳисобланган. Тошкент тарихи, шаҳар қурилиши, мақбара, масжид, мадрасалари, аҳоли турмуш тарзини ёритишда ёзма манбалар муҳим аҳамиятга эга. IX-X асрларда яшаб, фаолият кўрсатган Ибн Ҳавқал [1:66-68], Истахрий, Ибн Хурдодбех [2:66], Балазурий [3:589], Табарий [4:658-663], ал-Муқаддасий [5:629] каби араб олимлари Шош вилояти, унинг маркази Бинкент шаҳри, шаҳар қурилиши, работлар дарвозалари, жоъме масжидларининг қўплиги, бозорлари, обод кишлоклари, ариклари, у ердаги маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақида ўз асарларида қимматли маълумотларни келтирганлар [6:110]. Шу билан бирга, Беруний ҳам Бинкент Шошнинг пойтахти эканлиги, географик жойлашуви, координатлари [7:427], Маҳмуд Қошқарий эса Шош шаҳри, унинг қурилиши ҳақида тарихий маълумотларни берган [8:414]. Ёкут Ҳамавий (XII аср охири-XIII аср боши) ўзининг “Мужам ал-Булдон” асарида Ўрта Осиё шаҳарлари, жумладан Тошкент, Самарқанд, Насаф, Кеш, Термизга борганини, шу ерда яшаган таниқли

уламолар, ёдгорликлар, зиёратгоҳлар тўғрисида ҳам маълумотлар келтиради [9:143].

АСОСИЙ ҚИСМ

XIV-XVII асрларда Тошкент тарихи бўйича Ҳофизу Абрунинг “Зубдат ат-таворих”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ал-вақоеъ”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”, Фазлуллоҳ ибн Рўзбихон Исфакхонийнинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома”, Муҳаммад Хайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Муҳаммад ибн Араб Қатағонийнинг “Мусаххир ал-билод”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” каби асарларида қисқа, аммо муҳим маълумотлар учрайди. Жумладан, Файзуллоҳ ибн Рўзбихон Исфакхонийнинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида Тошкент ва унинг атрофидаги қабилалар ҳамда Тошкент ва унга қарам бўлган ерлар Шош вилояти номи билан юритилганлиги тўғрисида маълумотлар келтиради [10:144].

Шошдан IX-XVII асрларда ислом дини, фани ва маданияти ривожини йўлида хизмат қилган Кулайб Шоший, Қафқол Шоший, Аҳмад Шоший, Шайх Хованди Тохур, Хожа Аҳрор, Сулаймон Банокатий, Баҳриддин Чочий, Алоий Шоший, Мирзо Муҳаммад Хайдар, Ҳофиз Кўҳакий, Жамшид Шоший, XVII-XIX асрларда Ибодулло Тошкандий, Ҳушқол Тошкандий, Фатҳий Тошкандий ва бошқа 100 га яқин алломаи фузалолар етишиб чиққан. Абдулқарим ас-Самъоний (1113-1167) ўзининг “Насабнома” (ал-Ансоб) асарида ўрта асрларда Шошдан кўплаб уламо, машойих ва фозиллар етишиб чиққанини, олимлардан: ал-Одамий, Абу Наср Аҳмад Усбоникатий, Абу Али Ҳусайн ал-Фақих, ал-Усбоникатий, Абу Рабиъ Тохир ал-Йилокий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Йилокий, Абу Саъид Ҳайсам аш-Шоший, ал-Бинкатий, Абу Лайс Наср ат-Тункатий, Абу Муҳаммад Жафар аш-Шоший, Абу Саъид Ҳайсам аш-Шоший ал-Адиб, Абдуллоҳ аш-Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ал-Қафқол Шоший, Абу Наср Аҳмад ал-Касоний ва улардан бошқа кўплаб алломалар номини қайд этади [11:243-255].

Таъкидлаш жоизки, зиёрат яъни “муқаддас жойлар” масаласининг Ўзбекистон ҳудудида

кенг тарқалишида сўфийлик муҳим роль ўйнайди. Ибн Батутанинг ёзишича Ўрта Осиёнинг ҳар бир шаҳрида жуда кўп азиз авлиёларнинг қабри учрайди. Бу шаҳарлардаги авлиёларнинг қабрларига бутун ислом олаmidан зиёратчилар келиб туради. Шу билан бирга баъзи шаҳарларда фақат маҳаллий аҳоли танийдиган ва тавоф этадиган авлиёларнинг қабрлари ҳам борлиги айтиб ўтилади [12:52-53]. Айтиш лозимки, зиёратгоҳлар номи турли авлиё ва валийлар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, авлиёлар ҳаёти ва қароматларига доир Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида 72 авлиё [13:464, 240], Абдурахмон Жомийнинг “Нафоҳат ул-унс” номли китобида эса 618 та авлиёлар зикри келтирилган [14:584]. Шунингдек Алишер Навоийнинг “Насоим ул-муҳаббат” номли тазкирасида 770 авлиёни таърифи берилган [15:590]. Ушбу асарлар Марказий Осиё ҳудудида авлиёлар номи билан боғлиқ топонимика, агиография ва персонификация таҳлилини ўрганишга манба бўлиб хизмат қилади. Авлиёларнинг инсон турмуш тарзи билан боғлиқ масалаларга доир қарашлари зиёратгоҳлар тарихини ўрганишда ёрдамчи материал ҳисобланади.

Фахруддин Али Сафийнинг “Рашоҳоту айнил ҳаёт” китобида Ҳазрати Эшон (Убайдулло Аҳрор) дан келтирилишича: Ҳар вақт Занги отонинг зиёратига келсам, қабри муборакларидан ҳама (вақт) “Аллоҳ”, “Аллоҳ деган овоз эшитурман”-деб айтади [16:25]. Муаллиф ўз асарида “Занги отонинг тўрт халифаси бор: Узун Ҳасан ото, Саййид ото, Садр ото ва Бадр ото. Улар Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсилу илмга машғул эдилар. Бир кечада тўртларига бу йўл сулукининг доъияси пайдо бўлиб, иродаи торик хотирларидан бош чикарди. Ва ала-сабоҳ уйлари тароғга бердилар ва Туркистон тарафига бориб Занги отонинг суҳбатларида бўлдилар. У кишилар риёзат тортиб, ботинларидан ҳеч рушде кўрмадилар, қамолатга етдилар”-деб маълумот беради [16:26-28].

Тошкент вилояти Занги ота туманида Занги отонинг муборак қабрлари бўлса, шогирдлари: Садр ота қабри шу тумандаги “Садрота” қабристонида, Тошкент шаҳар Олмазор туманида эса Саййид отонинг, Шайхантахур тумани қадимги “Бадрвой” маҳалласида Бадр ота зиёратгоҳлари мавжуд

[17:54-58]. Занги ота ва шогирдларининг зиёратгоҳлари ҳозирги кунда зиёратчилар билан гавжум.

Тошкентдаги Кўкча қабристонидаги макбарада Шайх Зайниддин бобонинг хоки ётибди. Шайх Зайниддин (1164-1259) Қашқадарёнинг Ғузор туманида зиёратгоҳи бўлган Сухравардия тариқати асосчиси Шаҳобиддин Умар Сухравардий (1144-1234) нинг фарзанди бўлиб, диний ва жамоат арбоби сифатида Тошкентга келиб, ҳайрия ишларини амалга оширган [18:19-21].

Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг “Самария” асарида Шайх Зайниддин Куйи Орифоний ҳақида маълумот келтирилган. Шу билан бирга шогирдлари ҳақида ҳам сўз кетади. Жумладан, Шайх Зайниддиннинг халифаларидан бири Шайх Нуриддин Басир, онадан сўқир туғилгани, валийлик нури билан барча кўргуликларни кўриши, Шайх Зайниддин Куйи Орифондан тарбият топиб, тугалланган босқичга чикгани, йўлбошчисининг ғайбий ишорасидан онаси билан Нўшкентдан Самарқандга келгани, Нўшкент, Куйи Орифон Тошкент қишлоқларидан эканлиги ёзилган [19:138]. Шайх Нуриддин Басир Тошкентнинг Кўкча даҳасида туғилган, қабри Самарқандда.

Шу билан бирга Фахруддин Али Сафийнинг “Рашоҳату айнил ҳаёт” асарида Тошкентда яшаб фаолият кўрсатган, ислом илми ривожига катта ҳисса қўшган аллома, тасаввуф вакиллари, йирик мутасаввуф шайхлардан бўлган: Шайх Умар Боғистоний, Шайх Хованди Тахур, Бобойи Обрез, Шайх Бурхониддун Обрез, Хожа Иброҳим Шоший, Хожа Имоду-л Мулк, Хожа Шаҳобуддин Шоший, Хожа Муҳаммад Шошийлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди [16:270-288]. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўрта асрларда Тошкент ва унинг атрофида ислом маданияти, архитекураси шаклланган. Улуғ аллома ва тасаввуф вакиллари номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар аҳоли маънавий марказига айланган.

Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари” да авлиёлар ва дин пешволарининг мазорларини тузатиш, вақф ва назр ишларини тартибга келтириш мақсадида “Авлиёлар ва дин пешволарининг мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни палос, таом ва чирок

билан таъминласинлар. Биринчи навбатда амир ал-мўминин, мард кишилар шоҳи Али ибн Абу Толибнинг, унга Аллоҳнинг қарами ва эҳсони бўлсин, муқаддас қабрларини яхши сақлаш учун Нажаф билан Ҳиллани вақф этиб берсинлар”[20:137] деб буйруқ берган. Амир Темурнинг дин пешволари, азиз авлиёларга ҳурмати баландлиги сабаб, қаерни забт этсалар биринчи навбатда у ернинг авлиё-уламолари қабрини зиёрат қилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида, Тошкент, Паркент, Оҳангаронда бир неча марта бўлганини, Тошкентни-“Тошканд”деса “Сайрам”, Сайрамни “Сайрам”деса “Тошканд” дейилгай”,-деб таърифлаган. У Тошканд билан Сайрамнинг орасида Яғмо деган кент ва яна бир неча кентгиналар бор. Иброҳим ота ва Исҳоқ отанинг қабри андадур” деб таъриф берган [21:106-110]. Бобур ҳам қайси жойга борса, биринчи ўша жойнинг уламолари, шайхларининг қабрини зиёрат қилган. Тошкент табияти, географияси, аҳоли турмуш тарзини ҳам ёритган.

Фахруддин Али Сафийнинг “Рашоҳату айнил ҳаёт” асарида келтиришича “Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрор Валий)нинг қўнглига аён бўлиб, бир кеча Шайх Абу Бакр Қашшоли Шоший, Шайх Хованд Тахурнинг қабрларига борганини, у ердан Хожа Иброҳим Кимёгарнинг мазорига, сўнгра Шайх Зайниддин-Куйи Орифоннинг қабрларини зиёрат қилиб, ҳаққиға дуо ўқигани, кейинчалик уларнинг қабрини тез-тез зиёрат қилиб турганлиги айтгилган [18:290-291].

1546 йилги ер-жойлар рўйхати келтирилган, вақф мулкига ҳадя қилинган вақф ҳужжатида Хожа Аҳрор Валийга тегишли Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қашқадарё ва Афғонистон худудида жойлашган ер мулклар, шаҳар атрофида жойлашган боғлар, савдо расталари (тим), хаммом, тегирмонлар ва бошқа мулклар қайдга олинган ҳужжатлар сифатида берилган бўлиб, мазкур мулклар масжид, мадрасалар қуриш ва авлиёлар қабри учун вақф қилингани таъкидлаб ўтилган. Бу даврда Шош худуди Тошкент деб аталган [22:359].

XVI асрда яшаган турк адмирал, сайёҳ Сейди Али раис “Миръотул мамолик” (Мамлакатлар кузгуси) асарида Мовароуннаҳр, Турон замини шаҳарлари, жумладан Тошкент

хони Наврӯз Аҳмад Барокхоннинг Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро учун курашларига тўхтаб, Барокхон ҳузурида Истамбулдан ёрдам сифатида юборилган 300 турк солдати борлигини айтган. Бу факт бир томондан Турк Султонлигининг Барокхон билан ҳарбий иттифоқини билдирса, иккинчи томондан Ўрта шарқ давлатларининг ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар даражасини аниқлашга ёрдам беради. Шу билан бирга сайёҳ Тошкент, Самарқанд, Кеш, Насаф, Бойсун, Чаҳаршанба, Чағониён, у ердаги Сангардак тоғи, Ҳисори Шодмонга, у ердан Бухоро, Хоразмга борганини, шаҳарлар тарихи, географияси, этнографияси, зиёратгоҳлари ҳақида ўта муҳим, тарихий материалларни ёритади [23:34-97].

Таҳлилга тортилган тарихий манбалар Тошкент тарихи, шаҳар қурилиши, архитектураси, алломалари, тасаввуф вакиллари, улар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар, аҳоли турмуш тарзини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Шош (Тошкент)нинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти аҳоли турмуш тарзи ўрта асрларда тарихчи олимлар томонидан ёритилган. Жумладан, Муҳаммад Юсуф Мунший ўзининг “Тарихи Муқимхон” асарида Тошкентликларнинг Бухоро хони Имомқулихонга қарши кураши ҳақида маълумотлар келтиради [24]. Тошкентнинг шаҳар деворлари душман ҳужум қилган вақтда аҳолини ҳимоя қилишда мустаҳкам истехком ҳисобланган.

Маҳмуд ибн Вали XVII асрда Тошкентнинг географик жойлашуви, тибияти, ижтимоий сиёсий ҳаёти, зиёратгоҳларнинг шаклланиш тарихи ҳақида маълумотлар келтиради [25:56]. Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулк” асарида XVIII асрда Тошкент ҳалқи ҳаёти ёритилган [26:161,175].

Муҳаммад Солихнинг XIX асрда ёзилган “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Тошкент шаҳри топографияси, шаҳар атрофидаги жойларнинг географик жойлашуви ёритилган. Унда Шайх Хованди Тохур, Юнусхон, Шайх Зайниддин, Сузук ота, Хўжа Нуриддин, Чўпонота зиёратгоҳлари, яъни мақбараларининг қурилиш услуби, таъмирланиши, улар атрофидаги масжид, мадрасалар, шу билан бирга йўқолиб кетган объектлар ҳақида қимматли маълумотлар баён қилинган [27:36-38].

Тадқиқотчи Неъматулло Муҳамедов ўзининг “Шош воҳаси олимларининг Марказий Осиё илм-фани ва маданиятида тутган ўрни” номли монографиясида IX-XIX асрларда яшаб, фаолият юритган 100 га яқин алломаларнинг ҳаёт-фаолияти, Имои Қафқол Шоший, Шайх Хованди Тохур, Юнусхон, Шайх Зайниддин мақбаралари, Хожа Аҳрор Валий масжиди, улар атрофида жойлашган қўшимча бинолар: масжид, ҳовуз, хужралар ҳақида ҳам қимматли илмий материаллар ёритилган [28:224].

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ўрта асрларда Тошкентда ислом маданияти шаклланганлиги, воҳа тарихи, топографияси, жой номлари, географик жойлашуви, шаҳарлар қурилиши, аҳоли турмуш тарзи, маънавий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти ҳақида маълумотларни беради ва Тошкент зиёратгоҳлари, уларнинг аҳоли ҳаётида тутган ўрнини ўрганишда қимматли қўшимча манба ҳисобланади.

XVI-XVII асрларда Ўрта Осиёга Европа ва Россиядан элчилар келиши кўпайган. Улар Ўзбекистон ҳудуди, этник ҳолати, дини, аҳоли турмуш тарзи ҳақида маълумот келтирган. Элчилар зиёратгоҳлар, ислом уламлари ҳақида батавсил тўхталмасада, бу маълумотлар муаммони қўшимча ўрганишга ёрдам беради.

Е.К.Мейендорф “Россия элчилигининг Оренбургдан Бухорога 1820 йилги саёҳати” (Путешествия Российского посольства из Оренбурга Бухару) номли монографиясида Бухоро, Янги Урганч, Хива, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Термиз, Бойсун, Шеробод ва бошқа шаҳарлар ҳақида қизиқарли шарҳлар келтирган [29:182].

Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовскийнинг 1899 йилда ёзилган “Ислам в Туркистане” асарида аҳолининг зиёратгоҳларга ташрифи қуйидагича баҳоланган: тажриба шуни кўрсатмоқдаки, туземликлар касалликларни даволашда ўз хоҳишлари билан рус тиббиётчиларининг хизматидан қойдаланиоқда. Бироқ даволаниш тугаши билан улар (Туркистон мусулмонлари-С.Ж) даволаш натижалари янада яхшироқ бўлиши учун албатта муқаддас жойлар” га ташриф буришади. Бундан ўз дардларига шифо излашади [30:4-6].

А.И.Добрасмыслов XIX аср охирида Тошкент қабристонлари: 1891 йил Тошкентда

68 та қабристон борлиги, уларнинг энг каттаси Лайхонтахур ва Ҳазрат Эшон (Имом) қабристони эканлиги, 1891 йилда 21 та, 1892 йилда 12 та, 1894 йилда қолган барча қабристонлар ҳам ёпилганлигини, ўрнига мусулмонлар учун 11 та қабристонга жой ажратилганлиги ҳақида маълумот берган [31:184].

Маълум тарихий даврда кечган жараёнларни ўрганишда мазкур вақт оралиғида яратилган ҳужжатларнинг бекиёс ўрни бор. Тарихий ҳужжатлар мазмунига кўра, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётни акс эттиради ва шу билан боғлиқ ҳодисалар ҳақидаги ахборотни ўзида сақлайди. Айни вақтда ҳужжатларнинг катта қисми расмий манба сифатида ҳам ҳаққоний тарихни ёритишда муҳим далил ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий архивининг (кейинги ўринларда – ЎзМА) жамғармаларида мустамлака, совет ва мустақиллик йилларида Тошкент воҳаси этнографияси, бинолар архитектураси, давлат ва дин муносабатларига доир қимматли материаллар сақланади. Масалан, ЎзМА архив ҳужжатлари 34-фондда ТАССР Маориф Халқ комиссарлигининг 1917-1924 йилдаги вақф ҳужжатлари Туркистондаги область ва уездларга доир маълумотларни бирлаштириб, унда зиёратгоҳлар учун ажратилган вақфлар ҳақида ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, 394-фондда санъат, табиат ва қадимги ёдгорликларни сақлаш Ўрта Осиё кўмитаси (Средазкомстарис) жамғармаларида 1920-1928 йиллардаги Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий обида ва ёдгорликларнинг сақланиши, уларнинг рўйхати, давлат муҳофазасидаги ҳолати тўғрисида маълумотлар сақланади.

Тошкент алломалари, зиёратгоҳлари ҳақида маълумотлар қўлёзма манбалар, илмий ва оммабоп адабиётларда келган бўлсада, улар комплекс тадқиқ қилинмаган. Биз ушбу тадқиқотда Тошкентдаги аллома, тасаввуф вакиллари, авлиёлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳларни қўлёзма манбалари, саёҳатчилар эсталиклари, архив материаллари, қўшимча географик адабиётлар, археолог, архитекторларнинг илмий изланишлари, илмий ва оммабоп материаллар, дала тадқиқотлари асосида комплекс ўргандик.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Тошкент воҳаси зиёратгоҳлари ва муқаддас қадамжолари манбашунослиги ва тарихшунослиги таҳлили бўйича мавзу борасида, фанлар кесимида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бу тадқиқотларда келтирилган қўлёзма манбалар, саёҳатчилар эсталиклари, архив материаллари, тарихий-бадий адабиётлар муҳим манба вазифасини бажаради. Тошкент воҳаси тарихи, шаҳар қурилиши, мақбара масжид, мадрасалари, аҳоли турмуш тарзини ёритишда ёзма манбалар, уларни солиштириш, қиёслаш объектив маълумотларни аниқлаш имконини беради. Манбалар асосида зиёратгоҳларнинг тарихини ўрганиш, мамлакатимизда маҳаллий ва хорижий зиёра туризмни ривожлантириш, янги лойиҳаларга асос бўлади. Шу жиҳатдан мазкур мавзусини ўрганиш бугунги кунда муҳим ва долзарб аҳамиятга эгадир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ибн Ҳавқал. Китоб сураат ал-арз. – Тошкент: Мовароуннахр, 2011.
2. Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. Изд. Р. Велихановой. – Баку, 1986.
3. Абдулаббос Аҳмад ибн Яхё ибн Жобир Балазурий. Футух ул-булдон. – Байрут: Муассасат ул-маъғорий, 1407/1987.
4. Абу Жафар Муҳаммад ибн Жарир Табарий. Тарих ул-умам ва-л- мулук. – Байрут: Дор ул-кутуб ул-илмийя. 1407/1986. V. Биринчи нашр.
5. Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Банно Башшорий Муқаддасий. Аҳсан ут-такосим фий маърифати-л-ақолим. М. Ж. Де Гукер нашри асосида. – Қоҳира: Мактабат ул-мадбулий, 1411/1991. Учинчи нашр.
6. Массон М.Е. Прошлое Ташкента. Известия АН УзССР, № 2. – Ташкент, 1954.
7. Беруний. Танланган асарлар. V жилд, 1 қисм. – Тошкент, 1973.
8. Маҳмуд Кошғарий. Девони луғати турк. 1 жилд, – Тошкент. 1960.
9. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент.: 1981.
10. Фазлаллах ибн Рузбихан. Мехманнамеи Бухара. Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Р.П. Жалилова. М., 1976.
11. Абдулқарим ас-Самъоний. Насабнома (ал-Ансоб). (V-XII асрда яшаган Ўзбекистонлик олимлар ҳақида маълумот). Таржимонлар: Абдулғафур Раззоқ

- Бухорий ва Комилжон Раҳимов. Иккинчи нашр. – Тошкент: Ҳилол нашр, 2017.
12. Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Тошкент: Шарқ машъали, 1993.
13. Фаридуддин Аттор. Ибодати Исломия. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. Тазкират ал-аулийа, или Рассказы о святых / Пер. Ольги Васильевой. Автор: Фарид ад-дин Аттар. – М.: САМПО, 2005.
14. Абдурахмон Жомий. Асарлар. 8-жилд. Нафахот ул-унс. – Душанбе: Адиб, 1990.
15. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17-жилд. – Тошкент, 2001.
16. Али Сафий. Рашахоту айнил ҳаёт. (“Обиҳаёт томчилари”). Таржимон: Домла Худойберган ибн Бердимухаммад (1940 йил). Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б. Умрзоқ. Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашрети, - 2004.
17. Муҳаммадкаримов А., Обидов А., Искандаров З. Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари. Тошкент: “Navro‘z” нашрети, 2016.
18. Эргашов А. Мири Жанда ота мажмуаси. Тошкент: “Qaqnus media” нашрети, 2019.
19. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. Тарихи муллазода (Бухоро мазорлари зикри). Абу Тохирхўжа Самарқандий. Самария (Самарқанд мазорлари зикри). Форс тилидан Ш. Воҳидов, Б. Аминов таржимаси. Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
20. Амир Темур. Темур Тузуклари. Китобни нашрга тайёрловчи: Ж. Раҳимов. – Тошкент: Shodlik nashriyoti, 2018.
21. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: “Фан” нашрети, 2018.
22. Самарқандкие документы XV-XVI вв. Факсимиле, критический текст, перевод, введение, примечания. Указатели О. Д. Чехович. М., 1974.
23. Сейди Али Раис. Миръотул Мамолик.: ЎзФан акаднашр, 1963.
24. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. Ташкент, 1956.
25. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География). Сўзбоши, таржима, изоҳлар муаллифи Б.А. Аҳмедов. – Ташкент, 1977.
26. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулк: Подшоҳларга қўлланма. Форс-тожик тилидан Ж. Эсанов таржимаси. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1997.
27. Ўринбоев А. Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида. Т: ЎзССР “Фан” нашрети, 1983.
28. Мухамедов Н. Шош воҳаси олимларининг Марказий Осиё илм-фани ва маданиятида тутган ўрни. – Тошкент: Мовароуннахр, 2011.
29. Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. Предисл. Н. А. Халфина. – М., Главная редакция восточной литературы издательства Наука, 1975.
30. Духовский С.М. Ислам в Туркестане. – Спб., 1899.
31. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912.